

Тазкия дарслари (142-дарс) Мунофиқликнинг зарарлари ва ширк



18:30 / 26.06.2021 4030

1. Аллоҳ таоло мунофиқнинг амалини қабул қилмайди.
2. Мунофиқнинг қалбида марази бўлади. У мусулмонларга етган мусибатдан масрур ва нусратдан маҳзун бўлади.
3. Мунофиқ бахил бўлади. Молни фақат риё учун сарфлайди.
4. Мунофиқнинг эътиқоди, илми ва амали залолатдадир.
5. Мунофиқ риёкордир.

Мунофиқлар кофирлардан ҳам хатарлидир. Кофирлар билан бўладиган алоқа ва муомалаларда биз уларнинг кимлигини эътиборга олиб, ўзларига

яраша иш тутамиз. Мунофиқлар эса сиртдан мусулмон бўлиб кўринадилар. Одамнинг ичидагини билиб бўлмайди, натижада уларга ҳам мусулмонча муомала қилишга мажбур бўлинади. Бу билан мунофиқлар орқали динга катта зарарлар етказишга имкон яратилади.

Айнан мана шу ҳолат уларга қиёмат куни кофирлардан кўра кўпроқ ва аламлироқ азоб берилишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло мунофиқлар жаҳаннамнинг энг қаъридан жой олишларини таъкидлаб айтган.

Мунофиқлик турли ахлоқий разилатларнинг уясидир. Риёкорлик, алдамчилик, хиёнат, ёлғончилик, иккиюзламачилик, ваъдага хилоф қилиш кабилар шулар жумласидан. Мунофиқлик ҳар бир умматнинг жисмини титиб юборадиган ижтимоий касалликдир.

Мўмин банда нифоқ ва унга олиб борувчи нарсалардан куйдирадиган оловдан қўрққандек қўрқиши керак. Мўмин киши нифоққа тегишли ҳар бир катта-кичик нарсадан худди ёниб турган даҳшатли оловдан қўрққандек қўрқиши, унга тушишдан сақланганидек сақланиши лозим.

Инсон тез-тез Аллоҳнинг зикрини қилиб турса, қалби юмшайди, мулойим бўлади, ҳис қилиш малакаси ошади. Агар Аллоҳ тез-тез эслаб турилмаса, Қуръон ва шариатдан, дин таълимотларидан узоқлашилса, инсон қалбини моғор босади, бағри тошга айланади. Унга Аллоҳнинг зикри ҳам, диний таълимотлар ҳам таъсир қилмайдиган бўлиб қолади.

Мўмин банда нифоқ ва унинг аломатларини яхши таниб олиб, улардан доимо четда бўлиш чораларини кўриши лозим. Жумладан, Аллоҳнинг зикридан, Қуръон ва шариатдан, дин таълимотларидан узоқлашмаслиги керак.

ширк

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларининг яна бири ва энг хавфлиси ширкдир.

«Ширк» сўзи луғатда тенгдошлик ёки ёлғизликнинг хилофини билдиради.

«Ширкнинг моҳияти Аллоҳ Ўзининг олий зотига хос қилган сифат ва амалларни махлуқни рози қилиш учун унга нисбат беришдир. Мисол учун, ўша махлуққа сажда қилиш, унга атаб жонлиқ сўйиш, назр қилиш, қийинчиликка учраганда ёрдам сўраш ва уни ҳар жойда ҳозир нозир деб эътиқод қилиш ҳамда тасарруф қудрати бор деб ўйлашдир. Буларнинг

ҳаммаси ширкдир» (Абул Ҳасан Али ан-Надавий. *ал-Ақийда ал-Исломия ас-Сунния*», 85-бет).

Имом Валиюллоҳ Деҳлавий наздида ширкнинг моҳияти инсонга Аллоҳ таоло ато қилган кароматларни ўша инсоннинг ўзидан деб билишдир. Яъни ширк Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларни Ундан ўзгага собит қилишдир.

Масалан, оламда «Бўл!» дейиш билан бўладиган ирода ила тасарруф қилиш, ҳис қилиш аъзолари билан касб қилинмаган зотий илмга эга бўлиш, ақл, ваҳий, илҳом ва шунга ўхшашларни Аллоҳдан бошқада ҳам бор дейиш ширкдир.

Ёки беморга шифо бериш, бировни лаънатлаш, норози қилган одамнинг бемор, фақир, бадбахт бўлиб қолиши, бировга раҳматини кўрсатса, ўша раҳмат туфайли ҳалиги одам бой, соғлом, бахтиёр бўлиб қолиши мумкин деб эътиқод қилишдир.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди